MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 26-IYUL ■ SHANBA ■ 87 (27.107) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«ТУЯМЎЙИН» — ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ ЗИЛОЛ «КОСА»СИ



Воҳани сув билан таъминловчи асосий иншоот — «Туямўйин» гидроузели қурилиши бошланганига бу йил роппароса 30 йил тўлади. Бу улкан гидротехник иншоот Амударёнинг қуйи қисмида, яъни Хазорасп туманининг Питнак қишлоғида қурилиб ишга туширилди. Шундан сўнг катта тўғон — плотина ва 6 та агрегатдан иборат гидроэлектростанция (ГЭС) 150 минг киловатт-соат қувват билан ишлай бошлади. Кўп ўтмай унинг атрофида кўплаб қурилиш корхоналари, заводлар, автомобиль ва темир йўл базалари, маданий-маиший шахобчалар, турар жой бинолари барпо этилди. Натижада илгари кўримсизгина қишлоқ бора-бора ривожланган ва аҳолиси кўпайган Питнак шаҳрига айланди, гўзаллашди.



Гидроузел ишга тушиши билан бу ерда учта — «Султон-Санжар», «Коперасс», «Русловой» сув омборлари ҳам барпо этилди ва сунъий денгиз сатҳи 5,7 миллиард куб метр ҳажмига етказилди. Бош тўғондан ўтган сув эндиликда гидротехник иншоотлар орқали тақсимланиб, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ерларини суғоришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда сунъий денгиздан каналларга сув олиш, унинг меъёрий тақсимотини олиб бориш ва оқимни мунтазам кузатиб туриш — воҳанинг зилол «коса»си бўлган 170 кишилик гидроузел жамоаси зиммасида.

Суратларда: тўғон кўриниши; гидроузелнинг бошқарув бўлими; сув тақсимлаш иншооти.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

ЛЕОНИД ЛЕВИТИННИНГ ЯНГИ КИТОБИ: «ЎЗБЕКИСТОН: КАРИМОВ ДАВРИ»

Москвада «Варгиус» нашриётида профессор Л.И.Левитиннинг «Ўзбекистон: Каримов даври» китоби нашр этилди. Мазкур китоб муаллифнинг «Ўзбекистон: тарихий бурилиш палласида» китобининг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашридир.

Биринчи нашрдан фарқли ўлароқ, мазкур китобга «Ал Бухорий сабоқлари» ва «Буюк ипак йўли — келажак сари йўл» деб номланган иккита янги боблар қўшилган.

Янги китобга 2001-2002 йиллар давомида янги сиёсий воқеликлар натижасида юзага келган, халқаро ҳаётда содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисалар, халқаро терроризмнинг, дунё ҳамжамиятига қарши кучларнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлган долзарб қўшимча маълумотлар киритилган.

Китоб муаллифи прогрессив ва реакцион тенденцияларнинг ер юзида кескин тус олган кураши шароитида юзага келган янги даъватлар ва хавфларнинг ифодаси ўлароқ, Ўзбекистоннинг ушбу ғалвали дунёдаги ўрни ва позициясига эътибор қаратишга ва уни атрофлича таҳлил қилишга, шунингдек Президент И.А.Каримовнинг мазкур мураккаб халқаро жараёнлардаги аниқ ролини очиб беришга ва ёритишга ҳаракат қилган.

Китобнинг иккинчи нашрига киритилган «Ал-Бухорий сабоқлари» деб номланган янги боби ислом ва дунёвий давлат ҳамда ислом динининг дунёдаги бошқа динлар билан муносабатига, ислом дунёсида содир бўлаётган сўнгги воқеалар ва ўзгаришлар, биринчи галда радикал исломнинг дунё ҳамжамиятига даъвати билан боғлиқ бўлган муаммоларда Ўзбекистоннинг роли ва ўрни масалаларига бағишланган.

Ушбу бобда Л.Левитин «Ал-Қоида» ва ваҳҳобийлик, жиҳод ва шаҳидлар, Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИҲ), Ҳизб-ут-Таҳрир ал-исломий ва уларнинг халқаро терроризм билан ўзаро боғлиқлиги каби тушунчалар тўғрисида фикр юритади.

Л.Левитиннинг сўнгги нашрига киритилган янги боблардан яна бири «Буюк ипак йўли — келажак сари йўл» деб номланади. Ушбу тушунчани муаллиф унинг тарихий оҳанг талқинида, яъни глобализмнинг пайдо бўлиши, дунё иқтисодиётига янада чуқурроқ кириб бориш, шунингдек, жиддий иқтисодий юксалишга эришиш ва мазкур жараёнга жалб этилган давлатларнинг фаровонлигига асосий омил сифатида эътибор қаратади.

Китобнинг ниҳоясида муаллиф яна бир карра Президент И.А.Каримовнинг ўзбек халқининг буюк тарихий маънавий қадриятларини тиклашдаги, шунингдек, матонат ва собиқадамлик билан динни ниқоб қилиб олган диний экстремизмга ва террорга қарши курашувчи, юксак ислом маданиятига асосланган ҳақиқий дунёвий давлат барпо этишдаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо беради.

Профессор Л.Левитиннинг тарих ва мустақил Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичига оид янада бой ахборот-таҳлилий маълумотлар билан йўғрилган янги асари, биринчиси каби мамлакатимиз тўғрисида батафсил, муҳими ишонарли ва беғараз маълумот олишга интилувчи кўпсонли китобхонларни ўзига жалб қилиши шубҳасиз.

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА

ОЛИЙ АДАБИЁТ КУРСИНИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири О.Норбеков). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий адабиёт курсининг илк қалдирғочларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, олий ва ўрта мухсус таълим вазири С.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов ва бошқалар пойтахтимизда бундан икки йил муқаддам Олий адабиёт курси ташкил этилгани мамлакатимизда адабиётни ривожлантириш, хусусан, ёш қаламкашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш ишига давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган улкан эътибор натижаси эканини таъкидлади. Бу ерда таҳсил олиш имкониятига эга бўлган ёшлардан келажакда забардаст ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқишига умид билдирилди.

Курсда илк бор саккиз нафар ёш ижодкор — Хосият Рустамова, Жаҳонгир Холмирзаев, Нилуфар Сафоева, Даврон Ражабов, Гулчеҳра Зокирова, Маяғўзал Чориева, Неъмат Сайидалиев ҳамда Ориф Ҳожиев таҳсил олди.

Олий адабиёт курсига, асосан, бадиий ижодда ўз овозига эга бўлиб бораётган иқтидорли ёшлар танлов асосида қабул қилинади. Улар Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчиларидан йигирмага яқин фандан сабоқ олади. Шунингдек, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, танқидчилар билан қизиқарли баҳс-мунозараларда иштирок этади.

Шуни айтиш жоизки, ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлар ёш ижодкорлари орасида ҳам Олий адабиёт курсида таҳсил олиш истагини билдираётганлар сафи кенгаймоқда.

ЯПОНИЯДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда таҳсил олаётган олти нафар ўқувчи Японияда математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада муваффақиятли иштирок этди.

Жорий йилнинг 12-18 июль кунларида Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган ёш математикларнинг қирқ тўртинчи олимпиадасида ўзбекистонлик олти нафар иқтидорли ёш қатнашди. Уларнинг икки нафари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди.

Кунчиқар мамлакатда ўтказилган мазкур олимпиадада дунёнинг 86 давлатидан келган ўқувчилар ўз билимларини синашди.

Бухоро вилояти, Қоракўл тумани 1-ихтисослашган мактабнинг икки битирувчиси Японияда эришган муваффақияти учун республика олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўлди.

«Туркистон-пресс»

ХДП хабари

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг қарорига мувофиқ, жойларда партия минтақавий ўқув семинарлари бўлиб ўтаётир. 23-24 июль кунлари Навоий ва Бухоро вилоят партия ташкилотлари негизида ана шундай семинарларнинг навбатдагилари ўтказилди. Уларда иштирок этган ЎзХДП вилоят кенгашлари ижроия бюролари аъзолари, шаҳар, туман кенгашлари котиблари ва мазкур кенгашлар аппарати масъул ходимлари, партиядан сайланган барча даражалардаги депутатлар, партия оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг **Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг МК V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги** маърузасини тингладилар. Ўзбекистон ХДП Навоий ва Бухоро вилоят кенгашлари биринчи котиблари Р.Ботиров, Ж.Нуруллаев тегишли партия ташкилотларининг Марказий Кенгаш V пленумидан кейинги олиб борилаётган ишлари хусусида ахборот бердилар. МК масъул ходими С.Усмоновнинг чиқишлари ички партиявий ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Маъруза, ахборот ва чиқишларда Ўзбекистон ХДП барча тузилмаларининг партиядошларнинг мамлакатда олиб борилаётган парламент ислоҳоти ва бошқа бунёдкорлик ишларидаги иштирокини янада фаоллаштириш, Олий Мажлис XI сессияси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 18 июлида бўлиб ўтган мажлиси ҳужжатларини кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшиш, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, ушбу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишнинг таъсирчан чораларини кўриш каби кўплаб долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди, мавжуд нуқсонлар таҳлил қилиниб, муаммоларнинг сабаблари, уларни ечиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, мазкур тадбирларда ХДП ташкилотлари, депутатлик ва сайлов округларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини яхшилаш, уларнинг аҳоли турли табақалари, хусусан, сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга доир амалий тавсия ва таклифлар берилди.

Семинарларда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев ва мазкур вилоят ҳокими ўринбосари Д.Холиқулов, Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари М.Бўронов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Спорт

ТЎРТ ОЛТИН, БЕШ КУМУШ, ТЎРТ БРОНЗА

Грециянинг курорт шаҳарларидан бири Халкидада болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича жаҳон кубоги мусобақалари поёнига етди. Дунёнинг ўттиз мамлакати ёш спортчилари қатнашган мазкур нуфузли баҳсларда умумжамоа ҳисобида вакилларимиз тўртинчи ўринни эгаллади. Ёш каратэчиларимиздан Нодир Хўжаев, Достон Турғунов, Ферузбек Тўраевлар олтин, Шаҳбоз Аҳадов, Бахтиёр Раҳмонов, Шоҳжаҳон Панжиев, Шавкат Қўлдошевлар кумуш, Жасур Қаюмов, Аъзам Самиев, Умид Йўлдошевлар бронза медалларига сазовор бўлдилар. Шунингдек, жамоавий кумитэ баҳсларида ҳам ҳамюртларимиз биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Пайшанба оқшомида Тошкент аэропортида каратэ спорт делегация аъзолари ота-оналар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан тантана билан кутиб олинди. Спортчиларимиз йўлга чиққан самолёт юртимизнинг бош аэропортига келиб қўнгунига қадар фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарнинг айримларини суҳбатга тортдик.

— Уч нафар ўғлим бор, — дейди қўлида гулдаста билан аэропортга чиққан қаршилик Дилбар Умарова. — Тўнғичим Жавлонхон ва кенжамиз Миразизхонлар каратэ билан, ўртанчамиз Шоҳруххон эса бокс билан шуғулланади. Бугун эрталаб Ўзбекистон каратэ Миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов ҳамда ўғлимиз Жавлонхонлар Грециядан уйга қўнғироқ қилиб, суюнчи олишди. Ўғлимнинг жамоавий кумитэ беллашувларида олтин медални қўлга киритганлигини эшитиб, уни қутлаш учун Қаршидан самолётда кечки рейс билан учиб келдим. Жавлоннинг жаҳон кубогидаги бу иккинчи ғалабаси. У ўтган йили АҚШда ўтган мусобақаларда шахсий ҳисобда олтин медаль эгаси бўлувди. Президентимизга раҳмат, спортга, айниқса, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли фарзандларимиз дунёни танимоқда. Ўғлим ҳозир шаҳримиздаги 1-гимназиянинг саккизинчи синфида ўқияпти. Жавлонхоннинг навбатдаги ғалабаси ишонаманки, уни янада яхши ўқишга, зеҳнли бўлишга ундайди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: мусобақа қатнашчилари

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЙЎЛОВЧИНИНГ ЙЎЛ ТАШВИШИ»

Ушбу сарлавҳа остидаги танқидий мақола газетанинг шу йил 5 июль сонида чоп этилган бўлиб, унда Қорақалпоғистоннинг Чимбой шаҳридаги Чимбой темир йўл станциясида йўловчилар учун шарт-шароит яратилмаганлиги, ёзнинг жазирамасидан ва қишнинг қаҳратонидан паналайдиган жой йўқлиги қаламга олинган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан жавоб хати олди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси раҳбарияти газетанинг 2003 йил 5 июлда чоп этилган «Йўловчининг йўл ташвиши» мақоласи юзасидан Сизга қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК давлат аҳамиятига эга бўлган йирик иншоотлар қурилишининг буюртмачиси бўлиб хизмат қилади. Амударё орқали темир йўл кўприги, 220 км. дан узун бўлган янги Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши шулар жумласидандир. Ушбу иншоотлар бўйича умумий капитал қўйилмалар миқдори 300,0 млрд. сўмдан юқоридир.

Бундан ташқари, компания шу йили 2004 йилда 3,5 млн. долларни ташкил этадиган асосий қарзини тўлашни бошлади.

Юқорида баён этилганлар билан бир қаторда компанияга қарашли бўлган «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖга компания раҳбарияти томонидан жорий йилнинг 2-ярим йиллиги учун объектларни капитал таъмирлаш титул рўйхатини ўрнатилган тартибда қайта кўриб чиқиш вазифаси юклатилган.

Ушбу масала «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ акциядорлари умумий йиғилишида кўрилгандан сўнг Чимбой станциясида йўловчиларга қулай шароит яратиш мақсадида тушиш-чиқиш йўлакчалари ҳамда усти ёпилган айвонни (навес) таъмирлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилади.

Компания Бошқаруви Раиси ўринбосари В.БАХОЛДИН

ДИҚҚАТ: «Сиртқи қабул соатлари»

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ КОМИЛ ЮСУПОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат саломатлигини мустаҳкамлашга тобора катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб бизда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қонун қабул қилинди, «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Футбол, теннис, сузиш, кураш, бадиий гимнастика сингари спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўтган йилнинг октябрь ойида «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Президентимиз Фармони эълон қилинди. Бугун болалар спортини, оммавий спортни ривожлантириш бўйича жойларда ишлар қизғин кетмоқда...

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича давлат дастури ижроси қандай бормоқда? Асосий ютуқларимиз нималардан иборат? Қандай муаммолар ишимизга ҳалақит бермоқда? Жойларда болалар спортини, умуман спортни ривожлантиришга қандай эътибор берилмоқда? Сиз яшайдиган маҳалла, қишлоқ ва туманда қандай муаммолар бор? Табийки, спорт мутахассислари ва мухлисларини шу каби саволлар қизиқтиради.

Спорт аҳли диққат марказида турган яна бир масала — бу келгуси йили Греция пойтахти Афинада бўладиган ёзги олимпия ўйинлари ҳозир дунё спортининг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланган ушбу ўйинларга йўлланмалар учун кураш бошланди. Ўзбекистон спортчиларининг бу галги ниятлари қандай?..

Спорт мавзуида сизни қизиқтирган барча саволларга давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов жавоб беради. Айни чоғда бу масалада сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни ҳам эшитади.

Демак, саволларингизни, таклиф ва мулоҳазаларингизни (хат, шошилинчнома, телефон қўнғироқлари орқали) 1 августгача кутамиз.

Мурожаат учун тел.: 133-65-45, 133-21-43

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

ФЕРМЕРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

ЁКИ ХОРИЖДА ТАЖРИБА ЎРГАНИБ ҚАЙТГАН ЁШ МУТАХАССИС НУҚТАИ НАЗАРИ

Шу йил 28 февраль куни Оқсаройда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтганидан хабардорсиз. Ушбу йиғилишда Президентимиз «Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожида кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади» деб алоҳида таъкидлади.

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг кадрлар тайёрлаш дастурига ўзгартиришлар киритиб, иқтидорли ёш ходимларини ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ўрганишга йўлламоқда. Жумладан, мазкур банкнинг Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари, иқтисод фанлари магистри Комрон ЎТБОСАРОВ яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган «Қишлоқ хўжалиги кредити ва кооператив бошқарув» мавзуидаги ўқув-семинарда иштирок этиб қайтди.

— Комронжон, Жанубий Корея қишлоқ хўжалигида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан, давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлардан биз нималар ўрганишимиз мумкин деб ўйлайсиз?

— Биласизми, мамлакат аҳли сўнгги 40 йил мобайнида иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда улкан ютуқларга эришган бўлса-да, бу ерда қишлоқ хўжалиги ҳануз муҳим тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Шоли, айниқса, Жанубий Корея қишлоқ хўжалигининг асосий экини ҳисобланади. 2001 йилдаги маълумотларга кўра, мамлакатда мавжуд ер майдонларининг 56,7 фоизида жами фермер хўжаликларининг 52 фоизи шоли етиштириш билан шуғулланган бўлса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулотларнинг 33 фоизини ҳамда фермерлар даромадининг 77,9 фоизини ҳам айнан гуруч ташкил этган. Ваҳоланки, фермерларнинг ер майдони жуда кичик бўлиб, у ўртача 1,3 гектардан иборат. Шу ўринда қишлоқ хўжалигида 2,2 миллион аҳоли, яъни жами меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг 10,5 фоизи фаолият юритишини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Аслида Жанубий Корея қишлоқ хўжалигида эришилган бундай ютуқлар 1949 йил июнь ойидан бошлаб амалга оширилган радикал ер ислоҳоти ва оилавий фермерларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ. Бу ислоҳотнинг асосий мақсади ҳар бир фермерни ер билан таъминлашни кўзда тутганди. Шу боис, ҳукумат катта ер эгаларидан экин майдонларини арзон нархда ва муайян шартлар билан сотиб олиб, уларни узоқ муддатли кредитлар асосида фермерларга бўлиб берди. Пировардида, борйўғи бир йил ичида мамлакатда ўз ерига эга бўлмаган бирорта ҳам фермер деярли қолмади.

— Республикамизда ҳам фермерлик ҳаракати, менимча, пахта яккаҳокимлигидан деҳқонларга томорқа учун ер олиб беришдан бошланганди десак хато бўлмайди.

— Тўғри, ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда чигит экиш учун боғлар ҳам яксон қилинди, ҳатто шаҳарларимизга ҳам ғўза экини кириб келди. Республикамиз миллий даромади иттифоқ миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан 2 марта пастлиги, айниқса, қашшоқликнинг доимий йўлдоши — демографик портлаш вазиятни янада кескинлаштириб юборганди. Шундай нотинч ва беқарор вазиятда, аниқроғи, 1989 йилнинг ёзида мамлакатимизнинг раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримов **«Аҳволни қандай қилиб ўнглаш, халқнинг бунёдкорлик ғайратини қандай уйғотиш мумкин?»** деган саволни кун тартибига қўйди. Ва, табиийки, раҳбаримиз ўшанда ўз халқининг табиати ва асрий орзу-умидларини чин юракдан чуқур идрок этиб, энг ҳаётий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда иш тутди: ўша йилнинг 15 августида колхозчи, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

—Шу масала тўғрисида яқинда сиз билан ўзаро суҳбатлашгандик. Қарор ижроси бўйича маълумотларни ўрганяпман деган эдингиз...

— Атиги бир ой ичида республикамиз бўйича 60 мингдан кўпроқ оила томорқали бўлди. Одамларнинг уй-жой қуриши ва қорамол харид қилиши учун 243 миллион рубль ажратилди. Фақат шугина эмас. 1989 йил якунига келиб, 1 миллион 253 минг оилага 150 минг гектар суғориладиган ер бўлиб берилди. 21 минг бош бузоқ, 312,5 минг бош қўй-қўзи, 10,4 миллион дона товуқ қишлоқ аҳлининг хусусий мулки бўлиб қолди.

1999 йилнинг 11 январида, шунингдек, республикамиздаги шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Уларга кўра, яна 1 миллион 221 минг 477 оилага суғориладиган экин майдонларидан 137 минг 246 гектар ер томорқа сифатида ажратилди. Кейинчалик ана шу шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари негизида деҳқон ва фермер хўжаликлари вужудга келди. Уларнинг имтиёзли солиққа тортилгани, ўз маҳсулотларини хорижга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, хўжалик аъзоларини нафақа ва пенсия билан таъминлаш юзасидан тартиб-қоидалар жорий этилгани эса деҳқон ва фермер хўжаликларига дастурхонимизни тўкин-сочин қилиш имконини берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 72 минг 406 та фермер хўжалиги мавжуд. Улар 1 миллион 600 гектар ерни тасарруф қилмоқдалар. Бу — ҳар бир фермерга 22 гектардан зиёдроқ майдон тўғри келади, дегани. Ана шу хўжалик юритувчи субъектларда 487 минг нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Муҳими, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида уларнинг улуши йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, 2002 йилда жами картошканинг 92 фоизи, сабзавот ва полизнинг 83, мева ва сабзавотнинг 66, гўшт ва сутнинг 97, пахтанинг 29, ғалланинг 41 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

— Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламасдан, эмин-эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратмасдан туриб, уларни ривожлантириш қийин, албатта. Бу йўналишда, масалан, Жанубий Кореяда қандай тадбирлар амалга оширилган?

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX асрнинг 60-йиллари ушбу мамлакат қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Мисол учун, 1961 йил 15 августда ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги кооперативлари Миллий федерацияси – NACF ташкил этилди. Фермерларнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий мақомини кўтариб, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширган ҳолда, Корея қишлоқ хўжалиги тизимининг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш — федерациянинг асосий вазифалари сирасига кирарди.

Бунинг ҳам ўзига хос тарихи бор: 1956 йилда Жанубий Кореяда акциядорлик жамияти шаклида қишлоқ хўжалиги банки тузилди. Орадан бир йил ўтгач, у — фаолияти қишлоқ хўжалигига йўналтирилган махсус банкка айлантирилди. Ўз навбатида, «Қишлоқ кооперативлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, 1958 йилда ҳукумат томонидан қишлоқ хўжаликлари кооперативларига асос солинди. Шу тариқа соҳада маркетинг хизмати йўлга қўйилди. Бошқача айтганда, ушбу қишлоқ кооперативлари зиммасига маркетинг ва таъминот фаолиятини юритиш вазифалари юклатилди. 1961 йилда иккала ташкилот негизида қишлоқ хўжалиги кооперативлари Миллий федерацияси иш бошлади. Натижада, ўша йилиёқ ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши туфайли NACF томонидан 140 та туман кооперативи, 101 та махсус кооператив ва 21402 та қишлоқ кооперативи очилди.

Бугунги кунда NACF «Банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида иш юритиб, фермерларнинг ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини рағбатлантириш учун маркетинг ва таъминот хизмати кўрсатиш, кредит бериш, суғурта, кредит карточкаси ва кредит кафолатини таъминлаш, фермерларнинг билимини ошириш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил этиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, фермерлик саноати ва кооператив ҳаракатини қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажармоқда.

Умуман олганда, ҳозир Жанубий Кореяда 19 та тижорат банки, 43 та хорижий банк филиали ишлаб турибди. NACF сингари бир қатор банклар эса ихтисослашган банклар қаторига киради. Корея ривожланиш банки, Корея экспорт-импорт банки ва Корея саноат банки шулар жумласидан.

— Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Тўғрими?

— Тўғри. Бир мисол. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банклар томонидан Тошкент вилоятида ўзига хос тажриба ўтказилди. Яъни имтиёзли микрокредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилди. Натижада 2001 йилнинг 1 январига қадар ушбу вилоятда юзлаб фермер хўжаликларига техника, уруғлик, чорва моллари, парранда, ем-хашак ва минерал ўғит сотиб олиш учун имтиёзли фоизларда 1854,9 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди.

2001 йилдан бошлаб ушбу тажриба республикамизнинг барча ҳудудларида кенг жорий қилинди. Пировардида, 2002 йил охирига келиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган 36,9 миллиард сўм миқдоридаги микрокредитларнинг 53 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликларига берилди.

— Президентимизнинг 2003 йил 24 мартда «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони эълон қинганди. Ушбу фармон ижроси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Фармонда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш устувор йўналиш, деб қайд этилди. Шуни айтиб ўтиш керакки, республикамизда бу йўналишдаги ишлар анча олдинроқ бошланган эди. Кейинги йилларда жойларда 159 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг ўрнида 9 мингдан ортиқ фермер хўжалиги тузилди. Жумладан, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Ёзёвон, Ромитан ва Амударё туманларининг барча ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилди. Шу йилдан эса яна 177 та ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари фаолият бошлайди.

Бундай янги тузилмаларга жойларнинг ўзида сервис хизмати кўрсатиш мақсадида МТП — машина-трактор парклари, СФУ — сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, мини банклар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш шахобчалари очилмоқда. Айниқса, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи сувдан фойдаланувчилар уюшмалари 2 йил мобайнида қўшилган қиймат солиғи, фойда ва ер солиғи тўлашдан озод қилингани уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қўйилган муҳим қадамдир. Қолаверса, ана шу уюшмалар ва муқобил машина-трактор паркларининг таъсисчилари эндиликда фермер хўжаликларининг ўзлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Фармонда фермер хўжаликларининг ривожланиши, эркин фаолият юритиши учун яна кўплаб имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Уларга ерлар танлов асосида 50 йилгача ижара муддати давомида мерос қолдириш ҳуқуқи билан берилиши, ажратилган майдонлар тўлиқ ширкат хўжалиги балансидан чиқарилиши, фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан, оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари, мавжуд меҳнат қонунчилигига мувофиқ, шартномага асосланиши шулар сирасига киради. Аниқроқ қилиб айтганда, фермер хўжалигининг мулки фермернинг хусусий мулкига айланиб, у шу мулк ва ўз меҳнати натижасида яратилган маҳсулотни ўзи эркин тасарруф этади. Бундан ташқари, фермер ўзи етиштирадиган маҳсулот ҳажмини белгилашни, уни сотиш бўйича шартномалар тузишни, ҳамкорлар танлашни ҳам мустақил ҳал қилади.

Айни чоғда фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва ҳар хил органлар ва тузилмаларнинг улар фаолиятига ноқонуний аралашишларига чек қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Суҳбатдош:
Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Анжуман

САЙХУН СОҲИЛИГА ЭКОСАЙЁҲЛИК

Маълумки, ўтган йили Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрида барқарор ривожланиш бўйича Умумжаҳон саммити бўлиб ўтган эди.

Республикамизда ўша саммит қарорлари бажарилишини жадаллаштириш ҳамда ушбу жараёнга хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлаш мақсадида «Экосан» халқаро жамғармасининг барқарор ривожланиш бўйича комиссияси ташкил этилганди.

Мазкур комиссиянинг навбатдаги иккинчи кенгайтирилган йиғилишида барқарор ривожланиш борасидаги маҳаллий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Сирдарё вилоятининг иштироки таҳлил этилди.

— Сирдарё воҳасида бу борада кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Иброҳимов. — Лекин ҳали муаммоларимиз талайгина. Сирдарё ГРЭСи, Сирдарё сувининг ифлосланиши ва бошқа қатор мавжуд муаммолар чуқур ўрганиб чиқиляпти, дастур ва лойиҳалар тайёрланяпти.

Биз кўпроқ сайёҳлик деганда маданий бойлик, тарихий обидаларни заёрат қилишдек тор тасаввурга одатланиб қолганмиз. Хорижий давлатларда, айтайлик, Кубада миллий даромаднинг 70 фоизини экотуризмдан тушган маблағ ташкил этар экан. Мана, Сирдарё соҳиллари экотуризм, балиқ овлаш, маданий хордиқ ёки бошқа сайёҳлик турлари учун жуда қулайдир. Фақат бунинг учун ташаббус, тажриба, интилиш керак, албатта.

Ана шунда дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сайёҳликнинг янги қирраси кўз очади.

Дарҳақиқат, республикамиз умуман Марказий Осиё ҳудудига хос иқлимий муаммолар ва экосайёҳлик тизимини ривожлантириш кўп жиҳатдан айнан уни чуқур ўрганиш, тайёрланаётган дастур ва лойиҳаларнинг мукаммаллигига ҳам боғлиқ.

Зеро, дунё миқёсидаги ҳозирги вазият ҳар биримиздан юксак экомаданият, савия талаб этади.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КИНОЛОГЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда Термиз туманида кинологлар маркази ўз фаолиятини бошлади. У чегара, божхона, милиция ходимларига зотдор итларни етказиб беради. Бу ерда хизмат итларини боқиш, ўргатиш ишлари олиб борилади. Айни чоғда 96 та итга мўлжалланган учта корпус ишга туширилди. Шунингдек, маъмурий бино, ошхона, итларни даволаш ва кўрикдан ўтказиш хоналари ҳам фаолиятда. Қурилишнинг қолган қисми 2004 йилда тугалланади.

Ушбу марказ мамлакатимизда турли хилдаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Суратларда: Термиз туманида иш бошлаган кинологлар марказидан лавҳалар.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ҳаёт қувончлари

«ЯНГИ УЙЛАРДА ТЎЙЛАР ҚИЛАМИЗ»

ЁКИ ТОҒЛИ ҚАВЗАХОНА ВА МУСАБОЗОР ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ БУГУНГИ ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Машҳур Тахтақорачи довонидан қуйига эниб, адирлар бағрини кесиб ўтган йўлдан давом этсангиз, қаршингиздан кўркам қишлоқ пешвоз чиқади. Бу — Китоб шаҳрининг янги барпо бўлган Йўлдош посёлкаси.

Қашқа воҳасининг суғориладиган ерлари чекланган, бироқ аҳолиси тез кўпайиб бораётган туманлар орасида Китоб алоҳида ажралиб туради. Хусусан, кейинги пайтда тоғли қишлоқларда, ноқулай шароитда истиқомат қилаётган одамлар учун турар жойлар қуриш энг долзарб масалага айланган эди.

Шу боис, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Шодмон Умаров номли ширкат ҳудудидаги адирлар бағридан янги посёлка учун жой танланди. Тез орада лойиҳа тайёрланиб, ўтган йили қурилиш бошлаб юборилди. Вақт югурик дейдилар. Яқиндагина «Паландара» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги баланд тоғли Қавзахона қишлоғи аҳолиси кўчиб келган 110 та уй тез ва сифатли қурилди.

— Дарҳақиқат, бу ишлар қисқа фурсат ичида бажарилди. 30 та қурилиш ташкилоти белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Дастлаб тупроқ шароити ўрганилди, сўнгра иморатларнинг пойдевори тикланди. Ҳозирда барча уйларга ичимлик сув тармоғи, табиий газ қувурлари тортилган. Айни пайтда «Қаршигазсувқурилиш» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари юқори босимли газ қувурларини пайвандлашмоқда. Ҳадемай, посёлкага табиий газ оқа бошлайди, — дейди вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Мейлидиёр Юсупов.

Тан олмай иложингиз йўқ, беш ой орасида бажарилган ишлар мана-ман деб кўзга ташланди. Айниқса, ҳар бир ташкилот ўз шаъни учун курашганлиги туфайли янги кўчиб келганларнинг ўз ўйларидан кўнгли тўлди.

— Тоғ шароитида яшаган аҳоли учун бу уйлардаги шароит кутилмаган янгилик бўлди, — дейди Китоб шаҳар Собир Раҳимов номли маҳалла педагогтарбиячиси Бўритош Норқулова. — Шунинг учун шаҳардаги маҳаллалар фаоллари, уй бекалари янги хонадонларга барча ишларда кўмак бермоқда. Чунки бу посёлка шаҳримизнинг бир бўлаги бўлиб, унда истиқомат қилувчилар ўз-ўзидан шаҳар аҳолисини ташкил қилади.

... Кўркам ҳовлилардан бири. Тўрт хонадан иборат бу уйда Мўмин Холиқов оиласи яшаётган экан. 5 нафар фарзанди бор. Оиланинг тўнғичи — ўн олти ёшли Нилуфар дам онасига қарашади, дам қурувчиларга чой ташийди. Умуман, болалар янгиликка ўч бўлади, тоғдагидан бошқачароқ дунё уларни ҳайратлантирарди.

Хонадон бекаси Гулимох Иброҳимованинг қувончлари бир олам — тоғдаги яшаш тарзи билан бу ердагисини таққослаб, бундай бахтга сазовор этганларни алқайди.

Китоб туман ҳокимининг ўринбосари Лола Ўроқова билан суҳбатлашар эканмиз, опа асосан бу ерда одамларнинг яшаши учун яратилган шароитларга урғу берди. Хусусан, кўчирилган аҳоли учун 70 гектар сувли ер, шу жумладан 20 гектар боғ, 350 гектар яйлов ажратилмоқда экан. Тиббий хизмат пункти ва мактаб қурилаяпти, тез орада улар ҳам фойдаланишга топширилади.

— Оиламиз 1957 йилда тоғдан Китоб шаҳрига кўчиб келган эди, — дейди Саид Иброҳимов. — Униб-ўсдик. Фарзандларимиз шаҳардаги барча қулайликлардан баҳраманд. Мен ўзим кўчат етиштирувчи ташкилотда боғбонман. Ижарага бир гектар ер олганмиз. Меҳнат қилиб, шунинг орқасидан рўзғоримизни тўкин қилаяпмиз.

Тоғликлар барча қийинчиликларга бардош бериб яшашади. Биргина Китобда эмас, воҳанинг бошқа туманларидаги тоғли қишлоқлар аҳолиси ҳам узоқ вақт ноқулай шароитда ҳаёт кечириб келишди. Мустақилликка эришилгач, давлатимиз томонидан тоғли ҳудудлардаги аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳукуматнинг алоҳида қарори билан, Қашқадарё вилоятининг узоқ тоғ қишлоқларига электр етиб борди. Телевидение кўрсатувларини узатадиган мосламалар ўрнатилди.

Аммо қишлоқларда барибир шароит мураккаб. Геологлар узоқ вақт мобайнида шундай қишлоқлардан бири — Жовузда кўчки ва тупроқ сурилиши юз бериши мумкинлигини айтиб келишганди. 1993 йилда тупроқ кўчиши натижасида бир аёл фарзандлари билан ҳалок бўлди. Шундан сўнг қишлоқнинг хавфли жойидаги аҳоли Қишлиқ ширкатида барпо этилган Жовузобод посёлкасига кўчирилди. Айни пайтда бу жойда тоғликлар қулай шароитдан мамнун ҳолда яшаб келмоқда.

Баланд тоғлар орасида жойлашган Қавзахона қишлоғи аҳли ҳам янги посёлкага кўчирилди. Кўчириш ишлари режа асосида олиб борилди. Бироқ фалокат оёқ остида экан. Шу йилнинг 15 июнида тоғ йўлида ҳаракатланаётган бир машина ҳалокатга учради. Бир неча киши, шу жумладан ҳайдовчи ва ички ишлар ходими ҳалок бўлди. Бахтсиз ҳодиса кутилмаганда юз берганига қарамай, шу жойда ҳозир бўлган фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва ички ишлар ходимлари зудлик билан қутқарув ишларини бошлаб юборишди. Омон қолганлар тезда туман марказий шифохонасига келтирилди.

— Бу кўнгилсиз воқеа сабаб барча оёққа турди, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакимининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари София Ҳамдамова. — Тошкентдан, Қаршидан ёрдамга етиб келишди. Меҳнатларимиз зое кетмади — одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик.

Очиғи, тоғ шароитида одамларга тиббий хизмат кўрсатиш осон кечмайди. Китоб туман марказий шифохонаси ҳисобида оғир шароитдаги тоғ қишлоқларида яшовчи 1,5 мингдан ошиқ бола, 780 нафар оналар бор. Қишда довонни қор босган пайтда у ерга етиб бориш қанчалик машаққат эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қавзахона ва Мусабозор қишлоқларининг янги уйларга кўчиб келган аҳолисига эндиликда тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланади.

Ҳақиқатни яширишнинг ҳожати йўқ. Тилга олинган фожиа ҳам сабоқ, аслида. Юз берган бахтсиз ҳодиса муносабати билан ҳукуматимизнинг фармойиши қабул қилинди. Ҳалок бўлган ва жабр кўрганларнинг оилаларига зудлик билан ёрдам кўрсатилди.

— Оғир кунда кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳеч қачон унутмаймиз. Ҳукуматимизга раҳмат. Насиб этса янги уйларда тўйлар қиламиз, — дейди янги қишлоқ қариялари.

Инсон умри дарахтга ўхшайди. Бир япроқ ўзилса ўрнини янги япроқ, мева билан тўлдиради бу ҳаёт. Шифохонанинг туғуруқ бўлимида чинқириб бола дунёга келди. Кўчиб келган оилаларнинг бирида фарзанд туғилди. Бу эзгулик, тириклик бардавомлигидан яна бир сабоқ беради. Янги уйларга янги фарзанд муборак бўлсин.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фан ва тараққиёт

Илмий тадқиқот ишларининг бугунги аҳволи, бу йўлдаги муаммолар, уларнинг ечими, изланишлар замирида вужудга келган номзодлик, докторлик диссертацияларининг илмий салмоғи, ҳимояга тавсия этаётган ихтисослашган кенгашларнинг фаолияти, тадқиқотчилар олдига қўйилаётган талаблар бугун барча зиёлиларимизни, илмий изланишлар олиб бораётган ёшларимизни қизиқтириши табиий

ОАК: илмий тадқиқотларга янгича талаблар

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси тизимида 115 та ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Улар 200 дан ортиқ ихтисослик бўйича иш олиб бормоқда.

Ихтисослашган кенгашлар фаолиятига баҳо беришда улар тайёрлаган илмий даражали ходимлар сони эмас, эришилган натижалар, тадқиқотларнинг амалиётга татбиқи ёки мавзуларнинг ушбу кун талабига жавоб бериши асосий мезон ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, диссертацияларнинг дастлабки босқичида мавзуларни тўғри танлашга жиддий эътибор бериш керак. Бу борада илмий тадқиқот мавзуларини тегишли соҳалар бўйича мувофиқлаштириш ва уларни экспертизадан ўтказиш керакка ўхшайди. Гарчан бу илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари илмий кенгашларининг асосий вазифаси ҳисоблансада, бундан буён ОАК уларни назорат қилиб боради, «ОАК бюллетени»да илмий тадқиқот мавзулари, ҳимоялари ҳақида маълумотлар берилади.

Тадқиқотнинг илмийлиги, долзарблиги, амалий ва назарий аҳамиятини кўрсатиб бериш илмий семинарларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Лекин, баъзи ҳолларда юзакичиликка йўл қўйилаяпти. Масалан, тадқиқотчилардан бири иккита олий ўқув юртида семинардан ўтган. Қизиқ томони шундаки, хулосада айтилган сўзлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар, саволжавоблар бир хил, фақатгина исм ва фамилиялар ўзгарган холос.

Олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари илмий мақолаларда ўз аксини топмоғи лозим. Фан номзоди илмий даражасига давогарлар илмий ишлари қаторида бегилаб берилган журналларда 2 та (докторлар 10 та) мақола нашр этиши кўрсатилган. Кўпчиликда, мақола чиқариш шартми, деган фикр шаклланиб қолган, аслида мақолалар тадқиқотчининг илмий изланиш соҳасини, йўналишини, илмий мушоҳада дунёсини, масалаларни тўғри қўйиш ва ҳал этиш даражасини кўрсатиб берадиган ойнадир.

Баъзи тўпламларда, республика журналларида чоп этилган мақолаларда мақсад ва ечим аниқ эмас. Шундай муаллифлар борки, улар мазмунан битта нарсани ҳар хил журнал ва тўпламларда қайта-қайта чоп эттириб, «илмий асарлар»и сонини кўпайтирмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, чоп этилган мақолада унинг савияси юқори даражада бўлишидан қатъи назар тадқиқот йўналишига оид натижалар ўз ифодасини топмас экан «Низом» талаблари бажарилмади деб ҳисобланади.

Булардан ташқари, диссертация ишига тайинланган расмий оппонентлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Чунки, оппонент диссертация ишини ҳар томонлама таҳлил қилиб, унинг илмийлик даражасини кўрсатиб берадиган шу соҳа вакилидир. Оппонентлар томонидан ёзилган баъзи тақризлар шуни кўрсатадики, кўпинча, оппонентлар ўз вазифаларини тўлақонли бажармаяпти. Улар диссертацияда эришилган асосий натижаларни, уларнинг афзаллигини, қолаверса, камчиликларини кўрсатиш ўрнига умумий мулоҳазалар ва диссертацияни мақташ билан чекланиб қолмоқдалар. ОАК фаолияти мобайнида оппонентлар ҳақида кўп гаплар айтилгану, тақризлари, фикр-мулоҳазалари ҳеч қачон таҳлил қилинмаган. Уларнинг фаолиятини ОАК йиғилишларида кўриб чиқиш режалаштирилди.

Барча ихтисослашган кенгашларда ишларни ҳимояга қабул қилиш ва ўтказиш жараёнини бир хилда деб бўлмайди. Ҳимоя ўз номи билан ҳимоя бўлмоғи лозим. Баъзи аттестация ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳимояда баҳс-мунозара йўқ, бериладиган саволлар ҳам номигагина, кенгаш аъзоларида фаоллик сезилмайди. Шунинг учун ҳам ОАК эксперт кенгашлари, ихтисослашган кенгашлар йиғилишларида кенгаш ҳар бир аъзосининг ихтисослашган кенгашлардаги фаолиятини муҳокама қилиб боришга келишилди.

ОАКда республикада ёқланган ҳар бир диссертация ишлари, йўналишлари тўғрисида «Маълумотлар базаси» яратилмоқда. Бу ўз навбатида бирбирини такрорлайдиган ўхшаш мавзулар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга чек қўяди.

Наби МАЖИДОВ,
ОАК масъул ходими

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Оммавий-сиёсий тадбирлар

ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгашида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Унинг иштирокчилари Олий Мажлис ўн биринчи сессияси томонидан биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига чиқарилган ушбу қонун лойиҳасини асосан ижобий баҳолаб, шу билан бир қаторда, уни такомиллаштиришга қаратилган турли фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирдилар. Улар умумлаштирилиб, тегишли ташкилотларга тақдим этилади.

Партия Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорлигида Касби туманидаги Мусин номли ёшлар оромгоҳида «Мустақиллик ёшлар нигоҳида» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда вилоят партия кенгаши биринчи котиби вазифасини бажарувчи О. Равшанов, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши раиси Д. Аллаевлар иштирок этиб, мамлакатимизда мустақиллик йиларида рўй берган тарихий ўзгаришлар, партиямиз олиб бораётган ёшлар сиёсати раҳбарияти томонидан ёшларга берилаётган эътибор, уларнинг ҳаёти, ўқиши ва меҳнати учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида гапирдилар. Учрашув сўнгида ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди ва вилоят партия кенгаши томонидан энг фаол жамоатчи ёшларга совғалар, фаол ўқитувчи ва тарбиячиларга Фахрий ёрлиқлар топширилди. Тадбирда Касби туман ҳокимининг ўринбосари Б. Пўлатова ва туман партия кенгаши биринчи котиби А. Холов иштирок этдилар.

«Тошкент трактор заводи» ДАЖ бошланғич партия ташкилоти негизида **Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши** ходимлари ва партия фаоллари билан «Камолот» ЁИҲ аъзолари ўртасида мулоқот ўтказилди. Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши биринчи котиби Р. Сатторова, БПТ етакчиси Н. Липоткина ва корхона ёшлари етакчиси Р. Дарабоевлар йиғилганларга мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон ХДПнинг фаолияти, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Тадбир сўнгида қатор ёшлар ХДПга аъзо бўлиш истагини билдирдилар.

Тошкент вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда мусоҳаба «Сиёсий маданият нима?» («Ўзбекистон овози», 2003 йил 15 июль) номли мақоласи хусусида сўз юритилиб, фуқароларимизда сиёсий маданиятни шакллантиришда партия ташкилотларининг ҳиссасини ошириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ХДП Вобкент туман кенгаши томонидан И.Наимов номли ширкат хўжалигида ташкил этилган «даврa суҳбати» Ўзбекистон Олий Мажлиси XI сессияси якунларига бағишланди. Суҳбатда туман ҳокими ўринбосари Б.Одилов, мазкур ширкат хўжалиги раиси, ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган Ш.Қурбонов, «Қўғирот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р.Қулиев, қатор фахрийлар ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

Шикоят изидан

Шикоятлар ортида ҳақиқат йўқми?

Катта-кичик идоралардан «Шикоятингиз тасдиқланмади» деган ўнлаб бир хилдаги жавоблардан кейин ҳам Ҳазорасп тумани «Хоразм» ширкат хўжалигидаги «ёзувчи»лар тўхтамадилар. Хўш, улар нимадан норози?

— Биз бировнинг устидан эмас, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиб шикоят ёзаяпмиз, дейди Шоҳсанам Солиева. — Шу йилнинг 16-20 январь кунлари текширувчилар келиб турли идораларга ёзган шикоят аризаларимизга кўра текшириш ўтказди. Мен ҳам ўз дардимни айтдим: иш ҳақи ведомостига 20 минг, 30 минг аванс пули, 36 кг. ёғ, 350 кг. шрот ёзилиб имзо қўйилган. Лекин биз имзо қўймаганмиз, маҳсулот ҳам олмаганмиз. Ундан олдинги йил, яъни 2001 йилда уч гектар ерга пахта экиб, тўққиз тонна ўрнига 10 тонна пахта топширганман, лекин шунда ҳам ширкат бизга 107 минг сўм қарз чиқариб қўйган эди. Бола-чақам билан туну кун ишласам, режани ҳам бажарсам, нега бирим икки бўлмайди, нега ширкатдан фақат қарз бўлиб қолаяпман, деб текширувчига ёзиб бердим. У киши текширамиз дея ваъда берди. Ўша пайтда ўғлим Ғулом Жуманиёзов бекор юрганди. У ширкат табелчилигидан 2002 йилнинг ёзида ҳайдалган эди. Текширувчилар ўғлимни ширкат хўжалиги биносига чақириб олиб, ведомостдаги аванс пуллари ва бошқа маҳсулотларни онам Солиева Шоҳсанам ўрнига мен олганман, деб ёзиб берсанг ўзингни ишга тиклаттираман, қарзларингни эса йўқ қилдираман, деб ундан кўрсатма ёздириб олган. Шу куни ростдан уйимизга ширкатдан 500 кг. буғдой тушди. Ҳақларимиз ундириларкан, ҳақиқат қарор топаркан, деб ўйладик. Текширувчи кетди. Кейин билсак ўша туширилган 500 кг. буғдойнинг ҳар бир килоси 200 сўмдан ҳисобланиб, жами 100 минг сўм иш ҳақимизга урилибди. Инсофданми шу?..

— 2002 йилнинг май ойида бульдозеримнинг цеп қисми ишдан чиқди, — дейди Бахтиёр Қодиров. — Раис иш ҳақинг ҳисобидан олиб қўясан, деди. Унамагандим, бульдозеримни олиб қўйишди. Ана шу нарсаларни текширишга келган терговчига ёзиб бергандим. Бироздан сўнг у киши мени чақириб талабингиз қондирилади, ҳозир эса шикоят аризамда кўрсатганларим бўйича талабларим қондирилди, деб ёзиб берсангиз, деди. Ёздим. Бульдозерингизни ҳам олиб беришга кафилман, деб ҳатто уйимга 9 қоп буғдой юбортирди. Кейинчалик буларнинг ҳаммаси бизларни тинчлантириш учун қилинган алдов эканлигини тушундим...

Алданган фақат у эмас, яна бир неча киши ҳам худди шундай алдовларга дучор бўлганликларини айтишди. Уларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтириш шарт эмас, албатта. Лекин ўша пайт «даъвомиз йўқ, розимиз» каби хатларни ёздиришга бош-қош бўлган Жангир Бобожоновнинг сўзларини келтирмасак бўлмас:

«Биз одамлардан талабим қондирилди, раисдан норозилигим йўқ, деган мазмундаги тушунтириш хатлари ёздириб олишга «кўмаклашдик». Хўжалик раҳбарининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини яширишга текширувчилар имконият яратиб бераётганларини ўз кўзим билан кўриб, иштирок қилиб, дунё кўзимга тор бўлиб кетди. Мен қишлоқнинг «Ошоқ Мухоман» қисмидаги бригадаларга масъулман ва ўз вақтида раис мувини ҳисобланаман. Масалан, 17-бригадада 2000 йилдан бошлаб ҳар йили 70 гектар ерга буғдой экамиз. 50-52 центнер ҳосил беради. Пудратчилар ҳар гектар ер учун 100 кг. буғдой ёки шоли оладилар, холос. Ва уни ҳам иш ҳақи ҳисобига ёзишади. Уларнинг кетмон чопиб қилган йиллик даромади шу.

2002 йилда ушбу бригадада 70 гектар майдонга шоли экилди. Шундан 41 гектари пудратчиларга бўлиб берилганлигини биламан, қолган 29 гектари эса... 41 гектар ердан кузда 132 тонна шоли топширдим. Пудратчиларга шундан 100 килограммдан шоли бердик, бўлди. У ҳам иш ҳақига ҳисобланди. Раис кейин тўлайман, ўзингдан ишлатиб тур, дегани учун етишмаган ўғит ва уруғликка молимни сотиб 970000 пул сарфладим. Энди эса раис «Мен бу пулни билмайман» дейди. Ширкатда иш услуби шунақа: ишлатишади, режани бажарасан, лекин қарздор чиқаверасан. Кўрсаткичлар эса шунинг ҳисобига зўр. Режалар уддаланган, қарсак, шон-шараф — раҳбарга, меҳнат қилганга-чи?..».

17-бригадада пудратчи бўлиб ишлаётган Ўғилжон Ибрагимова топширган 8140 кг. шолидан меҳнат ҳақи сифатида бор йўғи 1,5 қоп шоли ажратилибди. Аёлнинг айтишича, 1995 йилдан бери қўшимча томорқа ер сифатида экиб келаётган 10 сотих ердаги буғдойи майса бўлганда — апрель ойида ширкат раҳбарлари томонидан ҳайдатиб ташланибди. «Аввал огоҳлантиришганда балки экмасмидик, уруғни увол қилмасмидик», деб афсусланди у. Бу йил энди нима қилади, ҳайрон. Буёғи оилада жўжа бирдай 7 жон бўлса, бошқа даромад манбаи йўқ.

Шехназар Раззоқов II гуруҳ, турмуш ўртоғи I гуруҳ ногирони. Ўтган йилнинг ноябрь ойида унинг 25 сотих қўшимча томорқа еридаги буғдойини майса бўлганида ширкат катталари топшириғи билан ҳайдаб ташлашибди. «Қўлларим соғ бўлганда, ўзим ногирон бўлмаганимда ҳам майли эди, у ёқ-бу ёққа интилиб бир кунимни кўрардим. Ахир бу йил биз раҳбарларимиз «шарофати» билан буғдойсиз қоламизку» деб куюнади у.

Хуллас, ширкатдагиларнинг баъзилари ишлаб ҳақ ололмаётганидан, бошқаси ҳовли-жой қуриш учун ер сўраб йиллаб саргардон бўлаётганидан, кимдир эса фермерликка хўжалик раҳбарлари томонидан сунъий тўсиқ қўйилаётганидан норози.

Биз юқоридаги арз-додларни раис қабулида муҳокама қилишга, ўз навбатида раисни эшитишга қарор қилдик. Аввалдан огоҳлантирмаганимиз учун эрталабки соат 8 дан кеч 16^{00} гача ширкат идорасида раисни кутишга тўғри келди. Ниҳоят, раис Тоҳир Жуманиёзов кечга яқин келди.

Афсуски, айнан шу вақтга мажлис чақирган экан. Батафсил гаплаша олмадик. Эртаси идорага келиб, тушгача кутдик. Идорадагилар раиснинг бугун ҳам келмаслигини айтишди. Начора, аризачилар шикоятларига раис муносабатини билолмадик. Хуллас, кечга яқин ҳоким муовини М.Эшчонов кўмаги билан шу йилнинг февраль ойидаги ширкат хўжалиги вакиллар йиғилиши туширилган видеокассетани ширкат бош иқтисодчиси иштирокида кўриб чиқдик.

Дарвоқе, ўша мажлис ҳақида. Кун тартибидаги масалалардан бири «Хоразм» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Т.Жуманиёзов устидан юқори ташкилотларга ёзилган шикоят аризаларнинг текшириш якунлари ҳақида эди.

Мажлисда, жумладан, фермер хўжалиги очаман, дея ер сўраган Атабой Бобоев аризаси ҳам муҳокама қилинган. «Менинг аризам дастлаб бошқа аризалар билан биргаликда 2002 йилнинг март ойидаги йиғилишда кўрилди, — дейди у. — Айтиш мумкинки, шахсан ширкат раҳбарлари ташаббуси билан фермер бўламан деганларга ер берилмади. Мажлисни олиб бораётган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бекназар Собиров очиқдан-очиқ мажлис қатнашчиларига «Агар фермерларга ер бериладиган бўлса сизлар ерсиз қоласизлар, масалан, битта фермерга 10 гектар ер берилса, 2 гектардан ери бор 5 та пудратчи ишсиз қолади, сизлар шунга розимисиз?», деб савол қўйди. Табиийки, бундай ташвиқот саволдан кейин пудратчилар рад жавобини беради-да. Шундан кейин фермерликка қарши бу ҳаракат ва ташвиқот устидан, қолаверса, ҳақимни талаб қилиб кўп идораларга ариза ёзганим рост. Шикоят ёзаверганимдан сўнг мени тинчитиш мақсадида 2002 йил 3 март санаси билан фермерликка 10 гектар ер ажратиш тўғрисида сохта қарор чиқариб берилди. Шу йилнинг февраль ойидаги мажлисда яна уни ташвиқот билан бекор қилишди...».

Биз ширкатдаги кўпгина пудратчилар билан суҳбатлашдик. Улар раиснинг раислик тарихи, хўжаликнинг аввалги шуҳрати, бугунги аҳволи, аниқроғи, деҳқон меҳнат қилиб нега косаси оқармагани, пахта йиғим-терими пули нега тўлиқ берилмаётгани ва ҳакозолар ҳақида гапиришди.

Биз туман статистика бўлимидан ширкатнинг бир неча йилги кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотни олдик. Рости, кўрсаткичлар яхши. Режалар уддаланган. Аммо муаммолар, арзлар оз эмас. Ҳақли савол туғилади: нега? Режа бажарилгани бу ҳаммаси жойида дегани эмас эканда!

Хизмат сафаримиз тугагандан ҳафта ўтмай ширкат хўжалигидан яна шикоят келди. Бирида 80, иккинчисида 30 имзо қўйилган. Хатларда раис Т. Жуманиёзовдан рози эканликлари, аввалги шикоятчилар унга туҳмат қилаётганлиги ҳақида ёзилган.

Энди эса ширкатдаги сўнгги икки янгилик:

Атабой Бобоевга ширкат яқинда, аниқроғи, 17 июль куни қарор чиқариб, 12 гектар ерни 50 йил муддатга ажратибди. Ажабланарлиси шундаки, қарор 2001 йил 16 февраль санаси билан чиқарилган. (Ажаб, февраль ойида ер ажратиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган эди) Бу Бобоевга берилган тўртинчи қарордир: иккитаси рад этиш ҳақида, иккитаси эса ер ажратиш тўғрисида. Битта ширкатда бир йил ичида бирбирига зид шунча ҳужжатни яна қаерда кўргансиз?

«Ёзувчилар» сафига қўшилган Жангир Бобожоновнинг уйига ширкат омборхонасидан 9 тонна ўғит туширилади. Эвазига... эски гап: «Сен ёзувчиларга қўшилма! Бу ўтган йилги сарфлаган пулингнинг қиймати, ҳақингни ҳам тўлиқ берамиз». Собиқ раис муовини эса илгариги хатони қилмабди — сотилмабди ўғитга. Керакли ташкилотга ариза ёзиб, уни аврамоқчи бўлганликларини маълум қилган, «совға» ўғит эса ҳужжатлаштирилибди. Таниш манзара, тўғримасми?

Яна бир янгилик: маълум бўлишича, шу кунларда вилоят прокуратураси хўжаликда текширув бошлабди. Ушбу текширувдан сўнг шикоятлар кетида буюртмачи борми ёки ҳақиқат борлиги ойдинлашади, деган умиддамиз. Текширув якунлангач бу мавзуга яна қайтамиз.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

Президент ўз курсисига қайтди

Маълумки, 16 июль куни Сан-Томе ва Принсипи (Африка)да Президент йўқлигидан фойдаланган ҳарбий ҳунта давлат тўнтариши қилиб, ҳокимиятни эгаллаб олган эди.

Яқинда мамлакат Президенти Доминике Менезес ҳарбий ҳунта етакчиси, майор Фернандо Перейра билан музокара олиб бориб, ўзаро тузилган битим эвазига яна президентлик курсисига қайтди. Ўртадаги келишувга кўра, Президент мамлакат ҳукуматини янгилаши, тўнтариш иштирокчиларини авф этиши лозим. Акс ҳолда, яъни битимда қайд этилган талаблар бажарилмаса, ҳарбийлар яна ҳокимиятни эгаллаб олиши мумкин.

Сан-Томе Президенти қўзғолончилар билан музокара олиб бориш учун чоршанба куни Нигерия Президенти Олусегун Обосанжо билан ҳамкорликда мамлакатга келди, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Суперзамонавий бригада

Пентагон Ироқ ҳудудидаги коалиция қўшинлари алмаштирилишини ошкор этди. Тасдиқланган режага кўра, дейилади Reuters хабарида, коалициянинг энг асосий жанговар кучи ҳисобланмиш 3-механизациялашган дивизия шу йил сентябрда ватанига қайтади. Унинг ўрнига бир неча ўн минг кишилик миллий гвардиянинг яқинда ташкил этилган «Страйкер» суперзамонавий бригадаси жўнатилади. 82-ҳаво десанти дивизиясига қарашли ушбу ҳарбий қисм энг замонавий техника ва бронемашиналарнинг сўнгги русуми билан таъминланган.

Бригаданинг биринчи «қалдирғоч»лари октябрда жўнатилади. Улар Ироқдаги 3-бронетанк полки ўрнини эгаллайди. Шунингдек, денгиз пиёдаларининг 1-экспедиция корпуси ҳам Ироқни тарк этади. Унинг ўрнини Польша қўмондонлигидаги халқаро контингент эгаллайди. 4-пиёдалар дивизияси эса жанговар майдонда кўпроқ ушланиб қолади. 2004 йил мартдагина бу дивизия билан Германиянинг 1-пиёдалар дивизияси ўрин алмашади.

Эслатиб ўтамиз: шу кунларда мамлакат ҳудудида 133 минг Америка ҳарбийси, 13 мингга яқин Буюк Британия ва бошқа иттифоқчи мамлакатлар аскарлари жанговар хизмат олиб бормоқда.

Лондон. Кўтарма кўприк

XORIJDA

Қурғоқчиликдан азият чекмоқда

Австрия ва шунингдек, Европанинг бошқа давлатларида бир неча ҳафтадан бери давом этаётган қурғоқчилик натижасида қишлоқ хўжалиги миллиардлаб долларлик зарар кўрди. Бу ҳақда Австрия Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги журналистларга маълум қилди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

Қуруқ ҳаво ва дарёларда сув сатҳининг пасайиши оқибатида, айниқса, Австрия, Италия, Германия ва Францияда катта қийинчиликлар юзага келмоқда. Хусусан, Австрияда сабзавот ва мевалар, вино ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан тайёрланадиган турли егуликларнинг нархи дарҳол кўтарилиб кетди.

Австрия қишлоқ хўжалиги экспертларининг ҳисоб-китоб қилишларича, бу йилги мавсумда дон, сабзавот ва мева ҳосиллари 30-40 фоизга камайиши мумкин.

Италиядаги аҳвол ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу ерда олма, нок ва цитрус мевалари ҳамда зайтун мойи, вино ва сут маҳсулотлари нархи ўртача 25 фоизга қимматлашди. Ўлкада қурғоқчилик туфайли ҳосил 25 фоизга камаймоқда, зайтун ҳосили эса (бирорта оила бусиз ҳаётини тасаввур этолмайди) 40 фоизгача йўқотилиши мумкин экан.

Энди Франциядаги аҳвол борасида тўхталадиган бўлсак, бу ерда ҳам талай муаммолар туғилмоқда. Жумладан, дон ҳосили 30, айниқса, маккажўхори ҳосили 50 фоизгача камайиши кутилмоқда. Мева-чевалар қимматлашиб бормоқда.

Франция қишлоқ хўжалиги вазири Эрв Гаймар қишлоқ хўжалиги ходимларига катта ёрдам кўрсатилишини ваъда қилмоқда. Бироқ экспертлар бу ёрдам кўрилган зарарнинг атиги 75 фоизини қоплаши мумкин холос, демоқдалар.

Тил кўчириб ўтказилди

Австриянинг Вена шаҳридаги марказий шифохонада 42 ёшли беморга янги тил жарроҳлик йўли билан кўчириб ўтказилди.

Гап шундаки, беморнинг тилида шиш пайдо бўлиб, бундан у қаттиқ азоб чекмоқда эди. Шифокорлар ўзга тилни «ўлаш»га аҳд қилдилар ва 14 соатда бунинг уддасидан чиқдилар. BBC берган хабарда айтилишича, бундай операция дунёда биринчи бор амалга оширилишидир. Бемор ҳозир ўзини яхши ҳис этмоқда.

Сингапурнинг Riffles госпиталида эса Жанубий кореялик 4 ойлик сиём эгизаклари 10 нафар эксперт-жарроҳлар томонидан бир-биридан ажратилди. Госпитал вакили Наум Кумарнинг фикрича, чақалоқлар аҳволи қониқарли. Энди операциянинг кейинги босқичи амалга оширилмоқда. Бу жараён 10 соат давом этиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур операция эронлик 29 ёшли (опа-сингил) сиём эгизаклари операция қилинган (шу ой бошларида) клиникада бажарилмоқда. Ўшанда операция давомида кўп қон кетиши туфайли бу эгизаклар бирин-кетин ҳаётдан кўз юмган эди.

Дарвоқе, операция харажатлари 28,5 минг долларга тушмоқда, дейилади Reuters ахборотида.

Танлов

«АЖДАҲО»ГА ГРАН-ПРИ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида IV ёшлар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мазкур фестивалда намойиш қилинган асарларнинг аксарияти эзгулик йўлида курашиш ғоялари билан йўғрилганлиги боис болажонлар қалбидан жой олди. Фестиваль репертуарига ўзбек адабиётининг етук намояндалари Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор ҳамда драматурглар Эркин Хушвақтов ва Тўлқин Муҳиддинларнинг асарлари асосида яратилган спектакллар ҳам киритилган. Айниқса, япон болалар ёзувчиси Миёко Мацутанинг «Таро саргузаштлари» қиссаси асосида саҳналаштирилган «Аждаҳо» спектакли ёш томошабинларга манзур бўлди. Чунки, асарда қатор мажозий образлар орқали япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари болаларга хос содда тилда очиб беришга ҳаракат қилинади.

— Ростини айтсам, намойиш этилган асарлар орасида «Аждаҳо» спектаклининг ёш томошабинлар томонидан севиб қарши олинишига унчалик ишонмагандим, — дейди ҳайъат раиси, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев. — Қаранг-ки, асарга энг муносиб баҳони болаларнинг ўзлари беришди. Шу боис асар «Йилнинг энг яхши спектакли» дея эътироф этилди ва унга «Гран-При» мукофоти топширилди.

Низом ОТАМУРОДОВ

ХАЛҚ БАНКИ

«Обод маҳалла» йили муносабати билан «Маҳаллам — фахрим менинг» жамғарилувчи, ютуқли омонат турини **ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

BANK XALQ BANKI

*Омонатга пул маблағлари **жорий йилнинг 20 декабригача Халқ банкининг барча муассасаларида** қабул қилинади.*

Сиз, омонатингизга ҳисобланган даромадларни олиш билан бир қаторда 500 000 сўм ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.

Ютуқлар тиражи республика «Маҳалла» жамғармасининг тавсиясига кўра намунали маҳаллаларда ўтказилади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-15

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.

Ислом КАРИМОВ

БОБУР МИРЗО АБАДИЯТИ

Халқимизнинг минглаб йиллик тарихида буюк зотлар кўп ўтган. Шу жумладан, ҳам шоҳ, ҳам шоир бўлган тарихий шахслар ҳам кўп: Султон Тўғрул, Шоҳ Шужов, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Убайдулла Султон (Қул Убайдий), Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз), Умархон (Амирий)... Лекин улар орасида ўзининг баркамол бадиий ижоди ҳамда саркардалик маҳорати, давлатни ташкил қилиш ва уни оқилона бошқаришда Бобур Мирзо шахси алоҳида ажралиб туради. Агар Бобур дилкаш ва дилбар ғазаллар, «Бобурнома»дек улкан тарихий асарни ёзиб қолдирмаганида, санъатга раҳнамолик кўрсатиб, мўъжизакор иншоотлар барпо этмаганида, унинг шахсини кейинги авлодлар қандай баҳоларди? Бу ҳақда ҳеч бир ўйлаганмисиз?

Шу ўринда яна бир баҳсли савол туғилади: яхши шоирдан ёмон подшоҳ чиқиши мумкинми? Ёки аксинча, яхши подшоҳ агар шеър ёзса, унинг ёмон шеър ёзиши мумкинми? Худо Бобур Мирзо қалбида ҳар иккисини ҳам мужассам этди, у яхши шоҳ ва дилбар шоир сифатида тарихда қолди.

Шоҳ ва шоирлик ҳақида Бобур Мирзо ҳаётига бағишланган «Кун ва тун» достонимда шундай ёзган эдим:

Шоҳлиғу шоирлик икки кутбдур,
Гўё икки палладур тарозуга.
Бири манфий, бириси мусбат эрур,
Эл муҳтождур иккисин ҳар сўзига.

Омонатдур тахту тож бу дунёда,
Боқий эрур салтанат сўз шоҳига.
Гоҳ отда юрурсен, гоҳи пиёда,
Ҳаёт қулоқ солмагай ҳеч оҳингга!

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам шеърга ва ўз вақтида топиб айтилган зукко сўзга ишқибоз эканлигини, ҳазилга мойиллигини ёзади: *«Салотини изом ва авлоди вожибул-эҳтиромлари зикридаким, баъзи яхши маҳалларда хуб байт ўқубтурларким, филҳақиқат ўзлари айтқондек хубдур ва баъзи назм латойифига машғул бўлубтурларким, ул даги матлуб ва марғубдур.*

Мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони хоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни — Темур Кўрагон агарчи назм айтмоққа изтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқутурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор».

Шоҳ шоир Бобур Мирзо шахси ўта зиддиятли, бу зиддият, энг аввало, унинг жангу жадалга тўла ҳаётида, тақдирида намоён бўлиб, кейинчалик тақдир ҳосиласи бўлмиш шеърларига кўчган. Чет элларда Бобур шахсига, ижодига катта ҳурмат билан қаралгани ҳолда унинг ўз туғилиб ўсган ватанида, ҳатто айтиш мумкинки, яқин-яқинларгача шўролар даврида унинг шахсига, фаолиятига бир ёқлама қараш, таъна тошлари отиш давом этиб келди. Бобур ҳаёти ва ижоди каминани ҳам Самарқандда ўқиб юрган талабалик йилларимдан ўзига ром қилиб келган. Болаликдан у ҳақда қанчадан-қанча тарихий ҳақиқат билан йўғрилган афсоналар эшитганман.

Самарқандни жангу жадаллар билан уч марта қўлга киритиб, ҳар сафар ташлаб кетишга мажбур бўлганининг ўзи ҳар қандай кишини ўйга толдиради. Ана шу таассуротлар таъсирида камина 1966 йили ёшлик шижоати, завқу шавқ билан Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида «Кун ва тун» номли достон битган эдим. Достонда Бобур Мирзо ҳаётининг нурафшон ва зулматли онларини акс эттиришга бел боғладим. Достон 1967 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинди. Ҳозиргидек эсимда, муҳокамада Миртемир домла, Шуҳрат домла, Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин, Шукрулло, Разм Бобожонлар... иштирок этишганди. Қизғин муҳокамадан сўнг достонни чоп этишга қарор қилинди, лекин достон «Шарқ юлдузи» журналида чиқиш арафасида дунё юзини кўрмай қолди. Бобур қисматига Москва аралашди. Сиёсат устунлик қилиб, коммунистик мафкура ўз кучини кўрсатди.

1970 йилда Ҳиндистонда ва Покистонда бўлиб, Бобур ва бобурийлар қадам босган тупроқни, улар қурдирган гўзал санъат асари бўлмиш қаср ва қалъаларни зиёрат қилиш насиб этди.

Етти мўъжизанинг бири — Тожмаҳал,
Санъат, дунёнинг сири — Тожмаҳал.
Тожмаҳал сайқали аҳли башардир,
Жаҳон айвонининг зеби — Тожмаҳал.

Ушбу саёҳат натижасида «Шарқ камалаги» туркум шеърлари, «Тожмаҳал» достони юзага келди. «Кун ва тун» достони эса орадан ўн йил ўтгач дунё юзини кўрди:

Бобур ҳақидаги биринчи асар
«Кун ва тун»дир — фақир топган
сийму зар.
У менга Андижон элидан туҳфа,
Шоҳ шоир тожини безаган гавҳар!

«Кун ва тун» достони Бобурнинг Самарқандни ташлаб чиқиши ва ўзга элларни ихтиёр қилиши билан бошланади. Оз сонли қўшин билан Бадахшон ва Кобулни эгаллаган Бобур Мирзо бошига тақдир яна бир оғир жудоликни солади, онаси Қутлуғ Нигор хоним Кобулда вафот этади:

Шамъ қошида Бобур афтода бир ҳол,
Жудолик дардидан йиғлайди қалам.
Пардозда қаноти қайрилган хаёл,
Жисмидаги дардга излайди малҳам.

Бошга ғам тушганда билинур роса,
Она-Ватан қадри, дўстлар суҳбати.
Ўзгалар тутса ҳам олтиндан асо,
Баъзан баҳам кўрмас ғаму кулфатни.

Қилолмасдан ота қабрин зиёрат,
Онасин кўёлмай унга ёнма-ён,
Ўзга элда Бобур чекар азият,
Кўзга суртиб Анжон тупроғин ҳамон...

Бобур ўз ижоди билан ҳақли равишда ўзбек адабиётида ҳазрат Алишер Навоийнинг давомчиси бўлиб кўзга ташланади. Гарчи Бобур Алишер Навоийдек ёшлигида мадрасаи олияларда таҳсил ололмаган бўлса-да, уни ҳаётнинг ўзи тарбиялайди, унинг туғма қобилиятини аста-секинлик билан камолга етказади. Ўн икки ёшида падари бузруквори Умаршайх Мирзонинг меросий шоҳлик тожини кийган Бобур Мирзо саройнинг барча кирдикорлари, иғвою сотқинликларини ўз бошидан кечирди.

Шу ўринда унинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»даги қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «Тўлиқ 11 йил... шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг саноғини батафсил баён қилишга қалам тили ожиз ва нуқсонлидир. Охир ҳамроҳлари ва қариндошлари бўлиб жами 250 га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда беяроғ, худога таваккал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар».

Бобур покиза ниятли, бутун борлиғи билан Худо берган зот эди, шунинг учун ҳам гўё унинг истаклари ҳаётда қийинчилик билан бўлса-да, мустажоб бўлгандек туюлади. Бундай ҳолни жон талвасасида ётган тўғиғ ўғли Ҳумоюн тепасида туриб айтган: «Эй худо, ўғлимнинг жонини олгунча менинг жонимни ол!», — дея илтижо қилиб, дунёдаги энг йирик Кўҳи нур олмосини ҳадя қилиб юборганида ҳам кўриш мумкин.

Бобур Ҳиндистонни эгаллагач, 1526 йилда ўзининг бошидан кечирганларини хотирлаб машҳур «Бобурнома» — мемуар асарини ёзишга киришди. Ёзилиш пайтидан ўттиз-қирқ йил олдинги воқеаларни Бобур ҳотирлар экан, унинг қувватли ҳофизасига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Чунки у ана шу олис болалик йилларидаги ҳодисаларни қоғозга туширар экан, унинг хотиридан воқеалар икир-чикиригача четда қолмайди, ҳар бир ҳодисани батафсил, ҳаққоний, аниқтиниқ ёритади. Айниқса, туғилиб ўсган юрти Андижон, Самарқанд таърифи алоҳида меҳр, жозиба билан ёзилганки, унинг қаламидан ўз она юртини қўмсаганлиги яққол кўзга ташланиб туради:

Толье йўқ жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар неники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни кўюб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Яна унинг Фарғона, Андижон ҳақидаги битикларига эътибор беринг: *«Фарғона вилояти бешинчи иқлимдандур... Етти пора қасабаси бор. Беш(и) Сайҳун суйининг жануби тарафида, икки(си) шимол жонибида, Жанубий тарафидаги қасабалар: бир(и) — Андижондурким, вассати воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур... Эли турқдур. Шаҳар ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элнинг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусанафоти, бовужудким Ҳиротда шаъу намо топибтур, бу тил биладур».*

Ҳар сафар Андижонга борганимда Бобурни тарбиялаб вояга етказган бу шаҳарда гўзал боғлар барпо қилишни севган Бобур Мирзо номи билан аталувчи «Боғи Бобур» мени ўзига беихтиёр чорлайверади. Шунда бутун умр Андижонни қўмсаб ўтган Бобур Мирзо ва қарийб 500 йилдан бери Бобурини қўмсаб ўтаётган Андижон ҳақида кўнгилдан шундай сатрлар тўкилади:

Бобур руҳи барҳаётдир Андижонда,
Боғи Бобур — унга ҳурмат
бу бўстонда.
Етти ёшдан етмишгача Бобур деяр,
Унинг ёди, унинг шеъри яшар жонда!

Ҳақиқат юзасидан айтадиган бўлсак, Бобур Ҳиндистонни эгаллаган бўлса, унинг юрақдан тўкилган рубоий ва ғазаллари, «Бобурнома»си бутун дунёни эгаллаган. Шу ўринда «Бобурнома»нинг инглиз тили таржимони Эрскининг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: *«Бобур характерининг энг мислсиз белгиси — унинг бошқа мулкдорникига мос келмаслигидир. Осиё тождорларидан маҳобатли, ...сунъий характер ўрнига бизнинг кўз ўнгимизда Бобурнинг характери табиий, ҳаётий, севувчан, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтда ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари даҳо ва иқтидорли кишиларни камдан-кам учратамиз... Унинг ақлининг фаол фаолияти хушчақчақ ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жи-*

ҳатидан олиб қаралганда, Осиёдаги подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз».

Ҳа, бу дунёни 500 йилдан бери забт этиб, лол қолдириб келаётган бизнинг Бобур! Бобур шахси билан бутун ўзбек халқи ҳақли равишда фахрланади, ўз Бобурини севади:

Битта Бобур — Андижонга етади,
Не Андижон, бу жаҳонга етади.
Қайта туғилмайди яна ундай зот,
Калом мулки — бор инсонга етади.

Мамлакатимиз буюк Моваро уннаҳр қўйнида, мана ўн икки йилдирки, ҳақиқий озодликка, мустақилликка эришди. Бобур бундан 500 йил олдин орзу қилган улуғ элимизни бирлаштириб озод ва обод мамлакат барпо этишдек улкан армон, қарангки, худонинг марҳамати, мард ва жасур инсонларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бизнинг давримизда амалга ошганидан бошимиз осмонда, кўксимиз тоғ, кўнглимиз чоғ. Шундай нурафшон кунларда озодлик дея жондан кечганларни, айниқса, Бобур Мирзо каби буюк шахслар руҳи покини хотирлаш бурчимиздир.

...Бугун Ҳиндистонда
меҳмон бўлса ким,
Ҳинд эли сўзлайди унга Бобурдан.
Ўзбек фарзандини ардоқлаб маъсум,
Дўстлар мамнун эрур буюк шоирдан.

Ҳиндни эзоз айлар Ўзбекистон ҳам,
Тагор номи янграр ҳар хонадонда.
Дўстлик неъматини кўришган баҳам
Дўстлар омон бўлсин ушбу жаҳонда!..

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Қадрият — ўзликни англаш

Интер-спорт

Афина олимпиядасига ҳозирланиб

Афинада бўлажак олимпия ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Яқинда йўловчилар учун қулай, ҳаво мўътадиллаштирувчи восита билан жиҳозланган электричкани фойдаланишга топшириш маросими ўтказилди. Аслида электричка ҳаракати Афинада XIX аср охиридан бошланган. Бироқ энг яхши қулайлик энди яратилди. У Пире шаҳри билан Кифисией ўртасидаги 26 километрлик йўлда ҳаракат қилади. Ҳозирча бундай транспорт воситасидан кунига 300 минг киши фойдаланаётган бўлса, Олимпия ўйинлари пайтида бу рақам яна 2 мартага кўпаяр экан.

Холифилд мутлақ чемпионликка даъвогар

Таниқли боксчи Эвандер Холифилд мутлақ чемпион бўлмагунча катта бокс билан хайрлашмоқчи эмас. Ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони октябрь ойида Жеймс Тони билан бўладиган учрашувга бағишланган матбуот йиғилишида шундай деди. Тони эса халқаро бокс федерацияси йўналиши бўйича оғир вазндаги жаҳон чемпиони бўлиб, Холифилдга қарата: «Ниятингга етишингга оз қолди», дея кесатди. Тонининг гапига қараганда, у билан учрашув Холифилд учун сўнгги жанг бўлиши керак. Бу боксчиларнинг ўзаро жангги эса 4 октябрь куни Лас-Вегасда ўтказилади. Лекин бу учрашувда ҳеч кимга ҳеч қандай унвон насиб этмайди. Ўйин эса 12 раунд давом этади. Холифилд ниятига етиши учун албатта чемпионлик белбоғига эга боксчига рўбарў бўлиши шарт. Бултур декабрь ойида Холифилд IBF йўналиши бўйича Крис Берд билан учрашувда ана шундай имкониятни бой берган эди.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 602
8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

Шуни маълум қиладики, кимошди савдоларига қўйилиб сотилмаган қуйидаги объектлар биржа савдоларига ўтказилди:

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган 1-Тошкент давлат медицина институтига қарашли 4 қаватли, майдони 5333 кв.м. бўлган собиқ 7-сонли ётоқхона биноси.

Бошланғич нархи — 125 334 300 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони, 5-уйда жойлашган Наркотик моддаларини назорат қилиш маркази ҳисобидаги «Нексия» русумли автотранспорт воситасининг ULV3L31BDVA015279 рақамли кузови

Бошланғич нархи — 990 286 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1-а уйда жойлашган «Ўқув-методик маркази» (биносиз)

Бошланғич нархи — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган Кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз)

Бошланғич нархи — 564 000 сўм ёки 1324 АҚШ доллари

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ёғочнинг бўшини қурт ейди

Мазмуни: «Бўш-баёв, ўта мулойим, оғзи бўш, ким нима деса ўшанинг гапига кираверадиган бўлсанг, одамлар сенинг «бурнингдан ип ўтказиб», ўз йўлларига бошлаб юрадилар, ўз манфаатлари йўлида сендан осонгина фойдаланадилар, айёр, текинхўр одамлар бор-йўғингни мутаб ейдилар», дейилмоқчи. Вар.: «Ёғочнинг юмшоғини қурт ейди, Одамнинг юмшоғини бит ейди»; «Кана сигирнинг туёғига тушмайди, қулоғига тушади» («Кана сигирнинг тўёғига, яъни қаттиқ жойига эмас, балки қулоғига, яъни юмшоқ жойига ёпишиб, қонини сўради», дейилмоқчи); «Ювош туя — юлишга яхши» (Қўй-эчкиларнинг жунини қирқиб оладилар, туянинг жунини эса қўл билан юлиб-юлиб оладилар); «Ювош отнинг манглайи қаттиқ» («Ювош отни ҳар ким миниб кетаверади. Манглайи қаттиқлигининг, яъни ҳаммавақт ҳолдан тойиб юраверишининг боиси ҳам — шу ювошлигидан», дейилмоқчи); «Ювош танани подачи минади, Ювош одамни ҳар ким сўзга илади»; «Ўзинг қўй бўлганингдан кейин — чўпон ҳайдаган тарафга юрасан»; «Қўй бўлмасанг, бўри сени емайди»; «Ҳа, ҳа, — деди (Олахўжа) кўзларини пирпиратиб, — улар сени дўппосласа, бўйнингни эгиб қараб турасанми? Бўш келмаслик керак. Дарахтнинг бўшини қурт ейди» (Парда Турсун, «Ўқитувчи» романи).

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 1,8,15,22,29 август кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м. кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 640 000 сўм бўлган 41 та;**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 1 648 000 сўм бўлган 12 та;** сатҳи 0,02 га, **бошланғич нархи — 824 000 сўм бўлган 1 та;**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 640 000 сўм бўлган 1 та;**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган сатҳи 0,03 гектар, **бошланғич нархи — 714 000 сўм бўлган;**

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7 ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй;

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 008 000 сўм бўлган 3 та ер майдони;**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши. **Бошланғич нархи — 9 849 675 сўм ёки 13 132 АҚШ доллари** ҳамда Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизмати негизида масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш учун Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси билан таъсис шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

ТАНЛОВ САВДОСИГА:

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризаларни қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.
Савдолар соат 11.00 да бошланади.
Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16 А.
Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида заклад пули туланади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. *Телефонлар:* 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Информация о проведении внеочередного общего собрания акционеров

Наименования общества — ОАО «Тошкент гуруч».

Местонахождение общества — г.Ташкент ул. М.Ашрафи, 106.

Дата проведения собрания — 26 августа 2003 г. время — 14.00

Место проведения собрания — актовый зал ОАО «Тошкент гуруч»

Дата закрытия реестра 23 июля — 2003 г.

При себе иметь паспорт.

Повестка дня:

1. Утверждение распределения прибыли и выплаты дивидендов по итогам 2002 г. в размере 53533700 сум. (1100 сум на одну акцию).
2. Утверждение Устава и положений общества «О Ревизионной комиссии», «О счётной комиссии» в новой редакции.
3. Выборы нового состава Ревизионной комиссии.
4. Утверждение председателя совета правления.
5. Довыборы в Наблюдательный совет общества.

Наблюдательный совет.